



Музлик-қор сувларидан тўйинадиган дарёлар оқимининг йил давомида тақсимланиши

- Музлик-қор сувларидан тўйинадиган, жуда баланд тоғлардан бошланадиган дарёларда (Амударё, Вахш, Зарафшон, Чуй, Или, Сўх, Исфара ва шулар каби бошқа дарёлар).
- Максимал сув сарфлари одатда йилнинг энг иссиқ даври, яъни июль-август ойларида ўтади.
- Минимал сув сарфлари ҳам кеч март-апрель ойларида кузатилади.



Қор-музлик сувларидан тўйинадиган дарёлар оқимининг йил ичида тақсимланиши

- Қор-музлик сувларидан тўйинадиган дарёлар, (Норин, Чирчиқ, Қорадарё ва Сирдарё каби дарёлар).
- Максимал сув сарфлари эртароқ, кўпинча июнь ойида оқиб ўтади. Сув кўпайиши март ойларида бошланади.
- Энг кичик сув сарфлари эса одатда декабрь-февраль ойларида кузатилади.



Қор ва қор-ёмғир сувларидан тўйинувчи дарёлар оқимининг йил давомида тақсимланиши

- Қор-ёмғир сувларидан тўйинувчи дарёларга (Қашқадарё, Оҳангарон, Арис, Талас ва Калас дарёлар мисол бўла олади
- Сув энг кўп оқадиган вақти март-апрель ойларига тўғри келади.
- Ёзнинг охирида (баъзан куз бошида) бу дарёларнинг сув сарфлари минимал даражада бўлади.
- Ўрта Осиё дарёларида умумий йиллик оқимнинг 20-80% гача бўлган қисми март-июнь оқиб ўтади.
- Мангу қор ва музликларнинг эриши, яъни тўлин сув даврида (июль-сентябрь) йиллик оқимнинг 60% дан ортиқ бўлган қисмини ташкил этади
- Сув энг кам бўладиган межень даврида (октябрь-февраль) Ўрта Осиёнинг деярли ҳамма дарёларида йиллик оқимни 10% дан 25% гача бўлган қисми оқиб ўтади.